

**Жорий таъмирлашга оид
ШАРТНОМА №151982-60**

**Самарканд шахар
Шартнома тузилган жой**

«5» октябр 2022 йил

"Ихтисослашган транспорт-курилиш монтаж поезди" МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи К.Хамраев номидан, бир томондан ва Самарканд шахар мактабгача таълим булими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбар С.Номиров номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Бинони жорий таъмирлаш (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошлиғи нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	60-МТТ биносини жорий таъмирлаш	118 993 978	118 850 000,0
	Жами	118 993 978,0	118 850 000,0

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 118 850 000,0 (Бир юз ўн саккиз миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил қиласи

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "5" октябрда 2022 йил, тугаши: "30" ноябр 2022 й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:
 - 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
 - 2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
 - 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуксон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
 - 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
 - "Ишлар"нинг камчиликлари белуп бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонъидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
 - 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.
- 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:
 - 2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
 - 2.3. «Бажарувчи» қўйидаги ҳуқуқларга эга:
 - 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
 - 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.
 - 2.4. «Бажарувчи» қўйидагиларга мажбур:
 - 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда текин таъмирлаб бериши.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 118 850 000,0 (Бир юз ўн саккиз миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Фазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичida конунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% микдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичida қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган хажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошка номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрни тўлдириш сифатида каралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" хажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўtkазиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қиласди.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, хажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг киймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг хажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қиласди, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айборд томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи микдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажрилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечикирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня

тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечикирилиши ёки тўлик бажарилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмагандага "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида маҳсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-харакатлари (харакатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судга мурожаат килишга ҳақлидир

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «5» октябрдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг конуний кучга киради.

IX. Коррупсияга қарши талаблар.

9.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пурдатчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлади.

9.2.Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишида (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3.Мазкур бобнинг талаблари бажарилмагандага, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4.Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган заарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган заарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хақиқий хисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

XI. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи

Ташкилот номи: "Ихтисослашган транспорт-курилиш монтаж поезди" МЧЖ
Манзил: Самарканд вилояти Самарканд шахар Супер кўргони Ертешар кўчаси 1-үй
Телефон: 98 271-78-88
СТИР коди: 201 208 438
ОКОНХ:
Х/Р : 2020800010022007001
Банк номи: «Турон банк» Самаркан вилоят филиали
МФО: 00446



Рахбар:
М.У.

К.Хамраев
(имзо)

Буюртмачи

Ташкилот номи: Самарканд шахар мактабгача таълим булими
Манзил: Беруний кўчаси 91 уй
Тел.:
СТИРкоди: 207267131
шхр: 100022860184017091100251001
Фазначилик бўлинмаси номи: Самарканд шахри бўйича Фазначилик бўлинмаси
Ягона Фазначилик ҳисобварақлари (ЯFX): 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шахар Бош бошкармаси ҲККМ
МФО: 000014
Фазначилик бўлинмаси ИИН раками: 201122919

Рахбар:
М.У. (имзо)

С.Номиров
Ф.И.Ш

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.
Imzolovchi F.I.SH.	SOLOXIDIN NOMIROV NOSIROVICH
Imzolangan sana	5 окт 2022 08:46
Hujjat kodi	RV3342467764
Hulosa kodi	RC0832543554



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI

SAMARQAND SHAHAR ADLIYA BO'LIMI

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

140100, Samarqand shahar, Amir Temur ko'chasi, 152-uy.

tel: (99855) 701 50 05

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

SHARTNOMA

“Buyurtmachi” “Samarqand shahar mактабгача та’лим бо’лими” hamda “Bajaruvchi” “Ixtisoslashgan transport-qurilish montaj poezdi” MCHJ tomonidan 2022-yil 30-sentabr tuzilgan №- 151982-60-sonli joriy tamirlash shartnomasi to‘g‘risida.

Shartnomaning umumiy summasi 118 850 000,0 (Bir yuz o’n sakkiz million sakkiz yuz ellik ming) so’mni tashkil qiladi.

Mazkur kontrakt g‘aznachilik bo‘linmalarida majburiy ro‘yxatga olingan vaqtidan kuchga kiradi va 2022 yil 31-dekabrgacha amal qiladi.

“Buyurtmachi” “Samarqand shahar mактабгача та’лим бо’лими” hamda “Bajaruvchi” “Ixtisoslashgan transport-qurilish montaj poezdi” MCHJ tomonidan 2022-yil 30-sentabr tuzilgan №- 151982-60-sonli joriy tamirlash shartnomasi O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, “Xo‘jalik yurituvchi subektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi” to‘g‘risidagi qonun, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomilashtirish chora-tadbirlari to‘g‘sida”gi farmoni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Davlat xaridlari to‘g‘risida»gi qonun talablariga muvofiq tayyorlangan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Loyiha Samarqand shahar mактабгача та’лим бо’лими tomonidan 28.09.2022-yil tizimga kiritilgan.

2022-yil 04-oktabr

**Samarqand shahar
Yuridik xizmat ko’rsatish
Markazi Bosh yuriskonsulti**



N.Usmonov



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Самарқанд шаҳар мактабгача
таълим бўлим мудири

С.Номиров

« » сентябр 2022 йил

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 60-Давлат кўп тармоқли
ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий
таъмирлаш бўйича танлов ўtkазиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Самарқанд шаҳри

«28» сентябр 2022 й

Раислик қилувчи

Ж.Норбеков

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Х.Наврӯзов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи ўринбосари

А.Холбеков

Комиссия аъзоси, Хўжалик мудири

И.Махамадиев

Комиссия аъзоси, Бош иқтисодчи

У.Умаров

Комиссия аъзоси, Давлат ва нодавлат мактабгача
таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда
ўқитишининг муқобил шаклларини ташкил этиш
шуъба мудири

С.Юнусов

Комиссия аъзоси, Озиқ-овқат маҳсулотлари хисоби
бўйича гурӯх раҳбари

КУН ТАРТИБИ:

Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 60-Давлат кўп тармоқли
ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий
таъмирлаш ишлари бўйича

(Ж.Норбеков, Х.Наврӯзов, А.Холбеков, И.Махамадиев, У.Умаров, С.Юнусов)

Мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил 16 сентябрда
Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон
порталига Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 60-Давлат кўп тармоқли
ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий
таъмирлаш бўйича 22110012151982-лот рақами билан эълон жойлаштирилди.
Мазкур лот бўйича 2022 йил 24 сентябрдаги энг яхши таклифларни танлаш
савдосини ўtkазиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон
портали орқали шаклланган “Самарқанд шаҳар МТБга қарашли 60-Давлат
кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти биносини
жорий таъмирлаш баённомасига асосан эълон якунига кўра комиссия

аъзолари томонидан "Ихтисослашган транспорт-курилиш монтаж поезди" МЧЖ ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ти 684-сонли Конуанинг 62-моддаси З-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама килиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош иктисадчи И.Махамадиев:

Юкоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 24 сентябрдаги электрон баённомасига асосан "Ихтисослашган транспорт-курилиш монтаж поезди" МЧЖ билан конунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Махсус таъмиглаш-экспулатация хизмати бошлиғи Ж.Норбековга хизмат кўрсатиш сифат даражасини назорат қилинсин.

Комиссия раиси:

Ж.Норбеков

Х.Наврӯзов

А.Холбеков

И.Махамадиев

У.Умаров

С.Юнусов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 151982 на приобретение 60-MTT биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 24.09.2022

Время рассмотрения 24.09.2022 19:26

Закупочная комиссия Самарканд шахар мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Норбеков Жамшид Раббанаевич	Махсус таъмирлаш - эксплуатация хизмати бошлиғи	Комиссия раиси
Секретарь комиссии	Эргашев Собиржон Курбонович	давлат харидлари ва шартномалар гурух раҳбари	котиб
Член комиссии	Наврузов Хуршид Абдирахмонович	Бош хисобчи уринбосари	комиссия раиси уринбосари
Член комиссии	Умаров Умидбек Нурибаевич	Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ҳамда ўқитишининг муқобил шаклларини ташкил этиш шуъба мудири	аъзо
Член комиссии	Юнусов Самандар Нурмухаммедович	Озиқ-овқат махсулотлари ҳисоби бўйича гурух раҳбари	аъзо
Член комиссии	Холбеков Азиз Насиллаевич	хўжалик мудири	аъзо

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 24.09.2022 года № лота 151982.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	60-MTT биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	118 993 978.00
Стартовая сумма	118 993 978.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина механизмлар тўғрисида Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина механизмлар тўғрисида Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хакида

маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ИТКМП МЧЖ	20	Суралган маълумот тақдим этилди	20	Экспертная		
ООО COLOR FORCE	20	Маълумотнома мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №2 Ишчи ходимлар тўғрисида Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар тўғрисида Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот (Ушбу маълумот Ўзбекистон Республикаси Ягона миллий меҳнат тизимидан олиниши хамда ходимларнинг ИНПС рақами ва ИНПСга ўтказилган маблағлари тўғрисидаги малумотлар тўлиқ тақдим этилиши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ИТКМП МЧЖ	20	Суралган маълумотлар тақдим килинди	20	Экспертная		
ООО COLOR FORCE	20	маълумотномалар мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №3 Иш тажрибаси Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш тажрибаси Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш объектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ИТКМП МЧЖ	20	Суралган маълумон тақдим килинди	20	Экспертная		
ООО COLOR FORCE	20	Маълумотномалар мавжуд	20	Экспертная		

Критерий №4 Банк ва соликдан карзи йуклиги туғрисида Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карзи йуклиги туғрисида маълумот, бошлангиз нархнинг 20 фоиз маблаглар борлиги тугрисида банк маълумотномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва соликдан карзи йуклиги туғрисида Солик ва бошқа мажбурий тўловлардан карзи йуклиги туғрисида маълумот, бошлангиз нархнинг 20 фоиз маблаглар борлиги тугрисида банк маълумотномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ИТКМП МЧЖ	20	Суралган маълумотлар тақдим килинди	20	Экспертная		
ООО COLOR FORCE	20	Маълумотномалар мавжуд	11	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО COLOR FORCE	118 993 978.00	118 873 978.00 UZS	118 873 978.00	00.00	118 873 978.00	23.09.2022 17:12:27	29.99395
ИТКМП МЧЖ	118 993 978.00	118 850 000.00 UZS	118 850 000.00	00.00	118 850 000.00	21.09.2022 17:17:12	30

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО COLOR FORCE	62.125	29.99395	92.11895
ИТКМП МЧЖ	70	30	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 151982 от 24.09.2022 года на приобретение 60-МТТ биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ИТКМП МЧЖ
01208438

и резервный исполнитель: ООО COLOR FORCE (305463686)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Норбеков Жамшид Раббанаевич	Согласен	
Член комиссии	Умаров Умидбек Нурилибаевич	Согласен	
Член комиссии	Холбеков Азиз Насиллаевич	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд шаҳар мактабгача таълим
бўлими мудири

С.Номиров

2022 йил



М.Ў

Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлимига қарашли мактабгача таълим
ташкilotларини жорий таъмирлаш бўйича энг яхши таклифи танлаш

X У Ж Ж А Т И

УМУМИЙ ҚИСМ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари 22.04.2021 йилдаги 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб
чиқилган.

1.2 Танлов мавзуси: **Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими тасурруфидаги 60-ДМТТ
биносини ташаббусли бюджет маблағлари ҳисобидан жорий таъмирлаш**

1.3. Танлов охирги қиймати – **118 993 978,0 сўм**. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар
қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4 Талабгор ўз таклифини электрон танлашга жойлаштириши мобайнида унинг чегирмаси
объектнинг бошлангич қийматидан **10% дан кўп бўлган** тақдирда таклиф буортмачи томонидан
қабул қилинмайди.

1.5 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

1.5 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириклар танлов ҳужжатларининг техник қисмida
келирилган.

1.6 Танлов комиссияси йигилишининг шакллари - **онлайн**.

1.7. Ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта **сумда**
амалга оширилади

1.8. Тўлов тартиби пул ўтказиш йули билан (**олдиндан 30%, оралиқ тўловлар 40%, охирги
тўлов 30% иш бажарилгандан сўнг**)

1.9. Жорий таъмирлаш ишларининг тугалланиш муддати **90 кун**

1.10. Танловда иштирок этиш учун таклиф ўзбек тили ёки рус тилида тақдим қилинади.

1.11. Иштирокчиларга танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига доир
тушунтиришларни тақдим этиш эълон берилгандан **5 (беш) иш кун** мобайнида.

1.11. Танлаш учун берилган эълон **5 (беш) иш кунига** электрон тизимга жойлаштирилади.

1.12. Ушбу Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари электрон тизим томонидан энг
яхши таклифи танлаш ва электрон овоз бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади

1.13. Танлов иштирокчилари томонидан **коррупция кўринишларига** йўл қўймаслик бўйича ариза
тақдим этишлари талаб қилинади.

2 Танлов ташкilotчилари

2.1 Буюртмачининг номи – **Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими**
(бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.4 Танлов камида беш аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси
томонидан ўтказилади.

3.Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар күрсатишига ихтисослашган, камида 4 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 50 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, солиқ идораларидан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ёки хизмат кўрсатувчи банкда инкассалар ва хар хил турдаги қарздорликлари йўклиги тўғрисида банк маълумотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларидан, 12 тадан ортиқ малакавий ишчиларнинг ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; фаолияти давомида камида 15 тадан ортиқ бюджет ташкилотларида фаолият олиб борганлиги хусусан ягона буюртмачи Инжиниринг компанияси билан хамкорликда ишлаганини;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; (бажарилган ишлар тўғрисидаги счёт-фактуралар, процентовкалар, далолатномалар ва шунга ухшаш бошқа хужжатлардан нусхалар)

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори хамда бугунги кунгача жами айланма маблаглари 1 млр дан ортиқ булиши

4 Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиши учун танлов иштирокчиси:

а) танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);

б) танлов хужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиши;

4.2 Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади:

қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;

"Буюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш; ягона реестрда виждонсиз ижрочилар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишини назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк хисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3 Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг хар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини хар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа хар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш. давлат харидлари жараёнида буюртмачининг хар қандай харакатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки хар қандай рақобат тартибини қўллаш;

иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга

5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1 Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва хужжатлар ўзбек тилида бўлиши керак. Танлов таклифи ўзбек тилига аниқ илова қилинган ҳолда бўлиши керак. Танлов таклифидан метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

6. Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1 Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2 Рақобатчи: тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:

нарх кисми танлов шартларига мос келиши ва куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал килиш муддати ва бошқалар.

6.4 Шунингдек, иштирокчи ташки мухитда (СД, флеш-хотира ва бошқалар) 1 та таклифни, шу жумладан барча танлов хужжатларини тайёрлаши керак, улар сканерлаштирилган шаклда тақдим этилиши керак, раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

6.5 Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

6.6 Техник таклиф қуйидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак: техник хужжатлар рўйхати (техник маълумотлар ва рақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар).

6.7 Ушбу танловга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий хужжатлари мавжудлигига кўйиладиган талаблар.

6.8 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

7.1 Эълонда танлов ўтказиладиган вакт сифатида кўрсатилган вакт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини баҳолаш бўйича танлов комиссияси.

7.2 Таклифларни кўриб чиқиша барча хужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли хужжатлар бўлмаган тақдирда, танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

7.3 Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов хужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

7.4 Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.5 Таклиф Конун, меъёрий хужжатлар ва танлов хужжатлари талабларига мос равища бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

7.6 Танлов комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Конунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларининг таклифи бўйича танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равища, ёзма равища, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

7.8 Танлов хужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун енг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги маҳфийлик.

8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва маҳфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи груп аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган эксперталар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноконуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.